



ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ВА  
ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК  
РЕСПУБЛИКА ТАШХИС  
МАРКАЗИ




“ЗАМИН” ХАЛҚАРО  
ЖАМОАТЧИЛИК ФОНДИ



БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР  
ТАШКИЛОТИНИНГ ХАЛҚАРО  
БОЛАЛАРНИНГ ФАВҚУЛДОДА  
ЖАМҒАРМАСИ



“АЛЬЯНС” ХАЛҚАРО  
ЖАМОАТЧИЛИК ТАШКИЛОТИ



“DELIVERY ASSOCIATES”  
ХАЛҚАРО ТАЪЛИМ  
ТАШКИЛОТИ АҚШ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

## ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ВА ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК РЕСПУБЛИКА ТАШХИС МАРКАЗИ

### ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ: МУАММО ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

*мавзусидаги халқаро  
илмий-амалий конференция*

### МАТЕРИАЛЛАРИ ТҮПЛАМИ



ТОШКЕНТ – 2021

## **Инклюзив таълимнинг долзарб масалалари: муаммолар ва уларнинг ечимлари**

---

“Инклюзив таълимнинг долзарб масалалари: муаммо ва уларнинг ечимлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами .

Тошкент шаҳри. 2021 йил 26 марта, \_\_\_\_ бет.

### **Тахрир хайъати раиси:**

Л. Гайнутдинова - Ўқувчиликни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази директори.

### **Тахрир хайъати:**

П.ф.д.профессор.Ф. Қодирова, п.ф.н.дотцент У. Файзиева, п.ф.н С.Усмонов, т.ф.н. К. Матҳоликов, С. Мўминов.

### **Нашр учун масъул:**

У.Файзиева

### **Дизайнер ва саҳифаловчи:**

С. Мўминов.

Мақолаларда фойдаланилган мисол, кўчирма, статистик маълумотлар, илмий-назарий фикрлар ва маълумотлар аниқлиги ҳамда стилистикасига муаллифлар жавобгардир.

Ўқувчиликни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази Илмий-методик кенгашининг 2021 йил 25 марта даги 1-сон йиғилиш қарори билан нашрга тавсия этилган.

## **Кириш**

Ўкувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис марказининг “Инклюзив таълимнинг долзарб масалалари: муаммо ва уларнинг ечимлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциянинг асосий максади Ўзбекистан Республикаси Президентининг “Ўзбекистан Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўрисида” 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистонда инклюзив таълимни ривожлантириш, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини такомиллаштириш ҳамда уларга кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини яхшилаш ҳамда 2020 йил 13 октябрдаги “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4860-сон қарорининг ижроси сифатида, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасаларнинг педагог ходимлар, психологлар, олимлар, талабалар ва жамоатчилик орасида инклюзив таълимни тарғиб қилишга йўналтирилган.

2020-2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни жорий этиш ва ривожлантириш бўйича қўйидаги масалаларни амалга оширилишига қаратилган:

инклюзив таълим тизими соҳасидаги норматив-хуқуқий базасини такомиллаштириш;

инклюзив таълим тизими учун малакали педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

инклюзив таълим жорий этилган муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, зарур адабиётлар, методик қўлланмалар, турли касбларга ўқитиш учун ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш;

инклюзив таълим соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳалар жорий этиш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг билим олиш хуқуки, инклюзив ўқитишининг мазмун-моҳиятини тушунтириш орқали аҳоли ўртасида ижобий ижтимоий мухит шакллантириш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни камситиш, уларга салбий муомалада бўлишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ҳар бир боланинг инклюзив таълим олиш хуқукини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

инклюзив таълимда ўқитиш усулларини такомиллаштириш ҳамда таълим жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич жорий этиш;

ўқувчиларнинг жисмоний ва ақлий эҳтиёжидан ҳамда таълим муассасаларининг худудий жойлашувидан келиб чиқиб алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари сонини оптималлаштириш.

Юкоридагиларни амалга оширишда “инклюзив таълим лабораториясининг тутган ўрни каби масаларни ёритишга қаратилган мавзулар ёритилди. Тўпламда ривожланган хорижий давлатлар АҚШ, Истроил, Россия ва Ўрта Осиё давлатларидан Қирғизистон, Тожикистон Республикаларининг инклюзив таълим бўйича орттирилган тажрибалари асосида тақдим этилган мақолалари ҳамда Республикамизда инклюзив таълим бўйича тажрибалари бўлган олимлар, амалиётчиларнинг мақолалари ёритилган.

9. Bola jigarrang rangni juda ko‘p ishlatganida, uning sog‘ligida, oilasida muammolar bo‘lishi mumkin. Bunday bolalarga jiddiy e’tibor qaratilmasdan, ularning muammolari davom etaversa, ko‘plab ruhiy zARBalar natijasida salbiy hissiy holatlar paydo bo‘lishi mumkin.

10. Kul rang. Bola shunchaki juda toliqib charchaganida, xafsalasizlik holatida ham kul rangni ko‘p ishlatishi mumkin. Lekin muntazam ravishda bu rangdan foydalanish bolani doim rad etilishi, tortinchoqlik, yakkalanish, o‘z qobig‘iga o‘ralib olish hususiyatlari bilan ifodalanadi.

11. Qora rangni muntazam ravishda ko‘p ishlatishi esa bolaning stressni boshidan kechirayotganini bildiradi. O‘ziga ishonchi yuqori.

12. Oq rangdan, ko‘pincha, bola yolg‘zlikni his qilganda, asabiy charchash va ruhiy bezovtalikni boshdan kechirganda foydalanadi. Ularda hayotga qiziquvchanlik yo‘q.

Agar bola qalamni kuchli bosim bilan bosib chizsa, unda hissiy zo‘riqish kuzatiladi. Bosim judayam kuchayib qog‘oz yirtilish holatiga borsa, unda bolamizda ziddiyatli holatni ustun bo‘lib turganiga ishoradir. Zaif bosim bilan chizilgan chizgilar toqatsizlik va passivlikni bildiradi.

Inklyuziv ta’limga jalb etilgan, rasm chizishga layoqati bor, bolalar shaxslararo munosabatlarda, o‘z fikrlarini to‘g‘ri ifodalab bera olmaslik bilan birga, vaziyatga ham to‘g‘ri baho bera olmaydilar. Bolaning chizgan rasmlaridagi narsalarning joylashuvi, ishlatgan ranglaridagi ustunlikni tahlil qilish orqali siz hech qachon bolaning o‘zidan eshitmaydigan narsalar haqida bilib olasiz. Chunki, bolalar chizgan paytda ruhiyatdagi borini tasvirlaydilar.

#### **Tartibsizlik, injiqlik qilgan bolalarni o‘qituvchilar hech qachon urushmaslik kerak!**

O‘qituvchi-tarbiyachi bola bilan maslahatlashib, birgalikda bolani yoniga o‘tirg‘izib, bolaning qo‘liga qogoz-qalam berib istalgan narsani chizishga ruhsat berishi kerak. Bola o‘z fikrlarini, ichidagi kechayotgan his-tuyg‘ularini rasmda ifodalaydi. So‘ngra bolaning chizgan rasmi asosida u bilan muloqotga kirishilsa va bolani oldiga kelib, nega bunday yomon bola bolayotganini so‘rab, bu yaxshi emasligini tushuntish kerak. Bu juda yaxshi usul. Boladagi barcha bilish jarayonlari ijobiy tomonga o‘zgarib, rasm chizishga qiziqa boshlaydi. Bunday tarbiya usulini faqat logopad bolalarda emas balki, sog‘lom bolalarda ham qo‘llash va samarali natijaga erishish mumkin. Rasm chizgan bolada badiiy-ahloqiy madaniyat shakllanadi, estetik didi o‘sadi, ijodga qiziqadi va barkamol shaxs bo‘lib shakllanadi. Ana endi, qadrli ota-onalar va inklyuziv ta’lim tarbiyachilari, farzandlarimizning chizgan rasmlariga qarab, oz bo‘lsada, ularning ichki kechinmalarini, o‘qib” olishimiz mumkin bo‘ladi. Albatta, bolalar rasmlarini tahlil qilib xulosa berish faqat tajribali psixolog, defektolog-logoped va inklyuziv ta’lim o‘qituvchi-tarbiyachisining ishi. Ammo bolalar ijodkorligini rivojlantirishda, ularni jismonan va ruhan sog‘lom bo‘lib kamolga yetishishlarida fanning ilmiy asoslarini, ayrim muhim jihatlarini bilish hech kimga zarar qilmaydi.



### **Таълим кластери асосида инклузив таълимга жалб этилган ўкувчилик ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш шарт-шароитлари**

*Ф. ҚОДИРОВА, Чирчиқ ДПИ профессори, п. ф. д.  
Ш. ҚОБИЛОВА, Чирчиқ ДПИ 1-курс магистранти*

Мамлакатимизда таълим сиёсатининг устувор йўналишларидан бири таълим жараёни иштирокчиларини табиий ҳамда фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, хавфсизлигини таъминлашга эришишдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги «Фавқулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий тадбирлар тўғрисида»ги ПК-4276-сонли қарори, 2019 йил 10 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг сифатли янгича тизимини тадбиқ этиш тўғрисида»ги ПФ-5706-сонли фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири-Фуқаро муҳофазаси бошлигининг 2020 йил 10 январдаги 1-сонли буйруғи узлуксиз таълимнинг ҳар бир бўғинида, хусусан, имконияти

чекланган болалар учун ташкил этилган барча турдаги таълим муассасаларида ўкувчилар ҳаёт хавфсизлигини таъминлашнинг хуқукий-меърий асослари белгилаб берилган.

Чирчик давлат педагогика институти илмий ишлар режаси таркибида таълим кластери воситасида сифатли ва хавфсиз таълим шароитини яратиш бўйича илмий тадқиқот иши олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқот режасида ўкувчилар ҳаёт хавфсизлигини таъминлашга оид хорижий ва миллий тажрибалар ўрганилди ва қуидаги вазифалар белгилаб олинди: ҳаёт хавфсизлигининг мазмуни ва компонентларини миллий ва хорижий тадқиқотлар асосида асослаш; “**хавфсиз ҳаёт**” тушунчасини, инклузив таълим жараёнида ўкувчиларнинг **ҳаёт хавфсизлигини таъминлашнинг** омилларини аниқлаш; ўқитувчиларга ўкувчилар ҳаёт хавфсизлигини таъминлашнинг самарали шаклларини ўргатиш.

Инклузив таълим шароитида имконияти чекланган болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш бугунги кунда долзарб сиёсий масалалардан биридир. Замонавий мактабларда ўкувчиларнинг хавфсиз ҳаракатланишига эришишнинг ташкилий-технологик, ижтимоий-педагогик, психологик, методик жиҳатлари инобатга олинмоқда. Америкалик психолог А. Маслоу: «Инсон иерархик эҳтиёжларига мувофиқ, инсониятнинг хавфсизлик эҳтиёжи физиологик эҳтиёжларига қараганда иккинчи даражада аҳамиятли, шу сабабли бутун инсоният яшининг ва цивилизациясининг асосий муаммолари каби хавфсизликни таъминлаш ҳаётнинг асоси сифатида хавфсизлик маданиятини шакллантиришга зарурат туғилади»-деб таъкидлаб ўтган. Айни пайтда хавфсизлик масалаларини ҳал қилиш инсон омилини инобатга олинмасдан амалга оширилиши мумкин эмас. Шу боис, инклузив таълим шароитида ўкувчиларнинг хавфсиз ҳаётини таъминлашда давлат ташкилотлари ҳамда ижтимоий институтларнинг ҳамкорликдаги мақсадли фаолияти зарурдир.

Таълим муассасасининг моддий-техник тузилмаси, тиббий-гигиеник ҳолати, педагогик-психологик жиҳозланиши кабилар бу жараёнда горизонтал ва вертикал боғлиқ структураларнинг ўзаро манфаатли боғлиқлигини кўрсатади. Вазирликлараро тузилмалар ўз ишини сифатли бажарсагина, муассасаларда ўкувчилар ҳаёт хавфсизлиги таъминланади. Бундан ташқари турли табиий оғатларга биноларнинг бардош бериши, фавқулодда ҳодисаларда ўкувчиларнинг эвакуация ҳаракатларининг меъёрларга жавоб бериши каби компонентлар инклузив таълим шароитининг сифатли эканлигини белгилаб беради.

Бугунги кунда аҳолини барча қатламларини, шу жумладан инклузив таълим жараёнида мактаб ўкувчиларини хавфли ва фавқулодда вазиятларда ҳаракатланишига тайёрлашнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Маълумки, хавф-жаҳон ҳамжамияти, алоҳида давлат ва жамиятнинг турли ижтимоий гурух ҳамда фуқароларига, моддий ва маънавий кадриятларга путур етказадиган эҳтимолдаги ёки аниқ воқеа, ҳодиса ёки жараёндир. Хавфсизлик тизимининг асосий тамойиллари қуидагилар: соҳага оидлик, фаоллик, мажмуавийлик, ўз вактидалик, кенг қамровлилик, давомийлик, қонунийлик, асослилик, тежамлилик, ҳамкорлик....

Таълим кластерининг ҳаёт хавфсизлигига йўналтирилган компонентида хавфсизлик тизимининг кучсизлиги катта оғатларга олиб келади. Бунинг учун кластернинг ҳар бир бўғинида мақсад сифатида ўкувчиларни сифатли ва хавфсиз таълим билан таъминлаш танланиши лозим.

Давлат эса жамоатчилик муносабатларини амалга ошириш ва фуқаролар хуқуклари кафолатини таъминлаш ташкилий-сиёсий механизми хисобланади. Давлат шахс устидан юкори туриши мумкин эмас. Зоро, унинг вазифаси шундай шароит яратишши, шахснинг ижодий ривожланиши ҳақиқий олий мақсадга айланиши лозим.



### **Алоҳида эҳтиёжли болаларнинг математик тасаввурларини инклузив таълим жараёнида ривожлантириш тажрибасидан**

*О.ҚОДИРОВ, С.ҚОДИРОВА,*

Бугунги кунда таълим тизимида ижобий ўзгаришлар тез суратларда амалга оширилмоқда. Айниқса, ёшларни қўллаб-куватлаш, уларнинг таълимини жаҳон стандартлари асосида ташкил этиш масаласи долзарб саналмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрда қабул қилинган “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 997-сон қарорига мувофиқ: “Республика халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш, халқаро алоқаларни ўрнатиш, ўқувчи-ёшларнинг илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини, энг аввало, ёш авлоднинг ижодий ғоялари ва ижодкорлигини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш ҳамда рағбатлантириш”-мақсади белгиланди. Ўсиб келаётган ёшлар орасида алоҳида эҳтиёжли болалар мавжуд бўлиб, улар учун таълимнинг инклузив шаклини жорий этиш давлат сиёсати даражасида ҳал этилмоқда. Жумладан, Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 13 октябрдаги “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълимтарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4860-сонли қарори мамлакатимизда таълимтарбия тизимини такомиллаштириш, инклузив таълимни самарали ташкил этиш ва кучайтириш каби вазифаларни амалга ошириш белгилаб берилган. Умумий ўрта таълим мактабларида фанларни ўқитиши самарадорлигини оширишда ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги фаол ҳаракатлар тизими педагогик-психологик жиҳатларга эгадир. Айниқса, математика фанини ўқитиши жараённида ўқувчиларнинг ўзаро ишончли фаолияти мухим омилдир. Чунки соғлом бола ва алоҳида эҳтиёжли болалар ўртасидаги алоқани ишончли тарзда ўрнатиш ўқитувчининг касбий компетенцияси ҳамда шахс сифатидаги барқарор хиссий-эмоционал ҳолатига боғлиқдир.

Тадқиқотларда яна шунга эътибор қаратилганки, нисбатан қисқа вақт оралиғида бола аслида инсониятнинг математик ривожланишга оид кўп асрли йўлини босиб ўтади ҳамда математик тасаввурларни белгили-рамзий акс эттириш ва атроф оламни ўзгартиришга қодир бўлади. Таълимда алоҳида эҳтиёжли болалар ҳам соғлом болалар каби “Ёшинг неччида?” саволига сўзлар билан эмас, балки тегишлича бармоғини кўрсатган ҳолда жавоб айтишга мослашганлар. Кузатишилар шуни кўрсатдики, бу болалар шу соннинг таркибини билмасалар ҳам бироқ савол мөхиятини тушунган ҳолда бармоқлари ёрдамида тўғри кўрсатади, яъни улар ўз бармоқлари сонини ёши билан тўғри нисбатлайдилар.

М. Я. Виготский бошқа тилда сўзловчи шахслар билан мулоқот қилганда сонларни бармоқлар орқали кўрсатиш сухбатдошларга қулайлик келтиришини таъкидлайди. Умумтаълим мактабларида алоҳида эҳтиёжли ўқувчилар фан асосларини ўқув фанлари бўйича дарслардан ўзлаштирсалар, оиласарда ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлайдилар.

Бошланғич синф ўқувчиларида миқдор тушунчаларини шакллантиришда саноқнинг қўйидаги воситалари қўлланилади. Ерга чизик тортиш, қофозга чизик чизиш, саноқ материалларидан фойдаланиш (таёқчалар, тугмалар, чўплар...). Саноқ соғлом бола учун ҳам алоҳида эҳтиёжли бола учун ҳам ўқиш ва ўйин фаолиятига киритилади, ҳатто мунтазам қўлланилади. Мунтазамлилик барча болаларга математикани самарали ўқитишининг мухим шарти эканлигини қатор олимлар таъкидлаганлар. Жумладан, Л. С. Виготский айтади: “Боланинг маданий хулқи унинг оддий ҳаракатларидағи ўсиш билан боғиқдир, бироқ бу ўсиш кўпинча курашни тақозо этади”. Дарҳақиқат, болаларда математик билимларни сифат жиҳатдан ўстириш ҳам вақт, ҳам дидактик таъминот ва ҳамда болаларнинг диққати, иродасини талааб этади. Бу санаб ўтилган психологик жараёнларни математикани ўрганишга сафарбар этиш эса, педагоглардан мунтазамлиликни, методик жиҳатдан йўналганликни тақозо этади. Педагог ва синфдаги барча ўқувчиларнинг умумий мақсад сари йўналган фаолияти математика фанини самарали ўқитишда мухим омилдир.

Таълимда алоҳида эҳтиёжи бор болаларда математик тасаввурларни шакллантиришда онтогенез даври натижаларига таяниш лозимдир. Онтогенезда математик тасаввурлар ривожланиш хусусиятларини билиш бошланғич синф алоҳида эҳтиёжи бор болаларда

математик тасаввурларни ривожлантириш учун методик ёндашувларни танлашда ва такомиллаштиришда зарурдир. Соғлом болаларда илк математик тасаввурларни ривожлантириш масалалари Я. А. Коменский, М. Монтессори, И. Г. Песталоцци, К. Д. Ушинский ва бошқаларнинг асарларида акс этган.

Алоҳида эҳтиёжли болаларда математик тасаввурларни шакллантириш ва билимларни ривожлантиришда мазкур болаларнинг ўқув-билув фаоллигини, топшириқларга қизиқишини, ўз-ўзини назорат қилишини таркиб топтириш керак. Мазкур болаларда жараёнга қизиқмаслик билан боғлиқ билиш пассивлиги, шунингдек фаолиятни ихтиёрий ташкил этиш ва топшириқларга йўналтириш ҳамда ўз-ўзини назоратнинг етарлича шаклланмаганлиги характерлидир. Билиш фаолияти меъёрда бўлганилиги сабабли улар мактаб таълимига қадар ўз ҳаёти давомида айрим элементар математик харакатлар тизимини катталарга қараб ўзлаштирадилар. Улар обьектларнинг макондаги жойлашишини ўзига нисбатан кўргазмали даражада аниклай оладилар. Бироқ алоҳида эҳтиёжли болалар нуткий мурожаат асосида ушбу жойлашувни ўз номи билан атай олмайдилар. Чунки бу болаларда нуткий захира етарли даражада шаклланмаган бўлади. Айниқса, бу болаларга нарса буюмларнинг жойлашувини фарқлашга оид тушунчаларни мақсадли ўргатиш лозим. Масалан, ёнида, орқасида, ўртасида кабиларни айнан машғулотлар орқали ёки маҳсус ёндашувлар асосидагина ўргатиш мумкинлигини амалиёт кўрсатмоқда.

Меъёрда ривожланаётган болаларга нисбатан, муаммолари бўлган болалар бир неча предметлар ўртасидаги майдон-макон муносабатларини аниклашда қийинчилик сезадилар ва хатто шу йўналишда саволлар берилса, жавоб ҳам бера олмайдилар. Қачонки, шу нарсаларни кўрсатган расмлар орқали саволлар берилса, тўғри жавобга яқин маълум бир фикрларни қисқа ва узук-узук тарзда айтиши мумкин. Бу ҳолат алоҳида эҳтиёжли болаларга бошланғич синфларда математика фанини ўргатиш ишлари оддий элементар тушунчаларни ўргатишдан бошланишини асосслайди.

Хулоса шуки, инклузив синф ўқитувчилари агар синфга алоҳида эҳтиёжли бола келса, ишни фанга оид оддий топшириқлардан бошлашга эътибор қаратишлари лозим. Бу ёндашув улардан сабр тоқат ва инсонпарварликни талаб этади.

### **Инклузив таълим самараси ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятига асосланади**

*Ф.У.ҚОДИРОВА, Чирчиқ ДПИ профессори, п. ф. д.  
Ш.З.МАТУПАЕВА, Тошкент вилояти XTXҚТМОҲМ*

Таълим замон билан ҳамнафас ривожланишни тақозо этадиган жараён сифатида ўз мазмуни, ташкилий жиҳатларини такомиллаштириб боради.

Ҳозирги кунда ҳалқ таълими тизимида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар мазмунида ўқитишининг замонавий усувлари, воситалари ва шаклларини амалиётга татбиқ этишга доир долзарб масалалар акс этмоқда. Жумладан, имконияти чекланган болаларнинг сифатли таълимини таъминлаш, уларнинг оиласдан узоқлашмаган ҳолда инклузив муҳитда ўқиши хукуқини ҳимоя қилиш масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидандир. Зоро жамият ва давлатда инсонпарварлик тамоилининг ҳаётга татбиқ этилгани, у ерда яшайдиган ногирон болалар ва катталарнинг ижтимоий ҳимояланиши, уларга бўлган қўллаб-куватловчи эътиборнинг даражасига боғлиқдир. Давлатимизда мазкур тоифа инсонлар учун барча шароитлар яратилган. Шу сабабли жамиятнинг тўлиқ аъзоси сифатида бу тоифа инсонлар жамиятнинг турли муносабатларида фаол иштирок этиб, ўзи ва оиласининг фаровонлиги учун касб-ҳунар билан шуғулланиш имкониятларига ҳам эгадир.

Имконияти чекланган болалар хукуқини ҳимоялаш, уларни ижтимоий қўллаб-куватлаш бизнинг мамлакатимизда доимо давлат эътиборида бўлиб келган. Шарқнинг буюк алломалари ҳисобланган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб,